ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

9 октябрь, пайшанба 1997 йил №118 (468)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## ИСЛОҲОТЛАР – ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

*7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига биноан ташкил этилган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг дастлабки йиғилиши бўлди. Йиғилишни Президент Ислом Каримов бошқарди.*

Мажлисда бу ислоҳотларни йўлга қўйишга масъулиятли вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда, хусусан, мамлакатимиз Президенти сўзида таъкидланганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан бу соҳанинг чуқур ислоҳ қилиниши ҳаёт талабидир. Бу борада мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижобий ўзгаришлар юз кўрсатди. Масалан, республикамизда фақат пахта эмас, ғалла мустақиллигига эришилди. Қишлоқ хўжалиги замонавий техника билан бойиб бормоқда. Бунинг эвазига меҳнат самараси салмоғи ҳам ошиб бормоқда.

Бироқ фақат шу ютуқларнинг ўзигина бу борадаги ислоҳотларнинг ечимини белгилай олмайди. Ҳали қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини амалга ошириш борасида йўлга қўйилаётган ишлар қониқарли эмас. Шунинг ўзидан мазкур комиссиянинг вазифалари, мақсадлари кўз олдимизда намоён бўлади. Аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қабул қилинган фармон, қонун, ҳукумат қарорлари, уларни бажариш юзасидан амалга оширилган тадбирлар қаноатланарлими? Агар улар бизни қаноатлантирмаса, қандай чоралар кўришимиз лозим. Мажлиснинг асосий мақсад ва вазифаси шу саволларга жавоб бериш учун тақозо этиладиган масалаларни ҳал этишдаги асосий йўналишларни белгилаш, бу борадаги тўсиқларни аниқлашга қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳволи манзараси қуйидагича деб таъкид этилди: ҳосилдорлик. Пахтачиликда у 1995 йили 26,4, 1996 йили эса 22,6 центнерданни ташкил этди. Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида 28,7 - 28,6 - 31 центнердан ҳосил олингани ҳолда бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 12,6, Сирдарёда 14,2 центнердан ошмаган. Гектаридан 12 центнердан ҳосил олиб, пахтачиликда муваффақият қозониб бўладими? Ғаллачиликда ҳам манзара ҳар хил. Андижон вилояти бўйича ҳосилдорлик 65,5 центнерга, унинг илғор жамоа хўжаликларида 87 центнерга етди. Самарқанд вилояти Гузалкент тумани «Қурилиш» жамоа хўжалигида эса 8,7 центнерданни ташкил этди. Деҳқончиликда табиий иқлимнг аҳамияти катта. Аммо бизда табиий ҳолат деярли ҳамма жойда бир хил. Мажлисда, хусусан, Президент сўзида бу ҳолатнинг асосий сабаблари санаб ўтилди. Уни бартараф этиш йўл-йўриқлари ҳақида сўз борди.

Шунингдек, йиғилишда бу йилги пахта мавсумини ўз вақтида муваффақиятли якунлаш, келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисда республика Бош вазири ўринбосари А.Муҳиддинов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди. Шу масала юзасидан йиғилиш қатнашчилари сўзга чиқишиб, бу борадаги ўз тажрибалари, муаммолар, камчиликларни бартараф этиш йўллари хусусида сўзлашди.

Йиғилишда республика Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этишди.

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

*Ўзбекистонда Ғарбий Европа Иттифоқининг Парламент Ассамблеяси делегацияси меҳмон бўлиб турибди.*

Парламент Ассамблеясининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, айниқса, юртимиз парламенти билан алоқаларни кенгайтиришга иштиёқи баланд. Зотан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг барқарор давлат бўлиш билан бир қаторда, давлатимиз минтақавий хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашга энг кўп куч сарфлаётган мамлакат ҳисобланади. Ғарбий Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг сиёсий масалалар бўйича Комиссияси раиси Жак Бомель бошчилигидаги шу ташкилот делегациясининг мамлакатимизга ташрифи ўта самарали ва воқеаларга бой бўлмоқда. Ташрифнинг биринчи кунидаёқ меҳмонлар республикамиз Олий Мажлисида бўлдилар. Бу ерда Жак Бомель ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон парламентининг мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар масалалари бўйича қўмиталари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идораларда бўлдилар. Учрашув ва суҳбатлар давомида томонлар Ўзбекистон билан Ғарбий Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеяси ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, айниқса, ҳарбий ва мудофаа соҳаларидаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларини муҳокама этдилар. Делегация раҳбари Жак Бомель Европада Ўзбекистоннинг бугунги нуфузи ва мавқеини юқори эътироф этишларини, давлатимиз Марказий Осиёда етакчи ўрин тутганлиги юксак баҳога лойиқлигини алоҳида таъкидлади.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ,**
**шарҳловчи**



**Далаларимизда азиз неъмат сифатида терилаётган «оқ олтин» биринчи навбатда пахта тозалаш заводларига келиб тушади. Ҳар қачонгидан барвақт бошланган пахта терими мавсуми тегишли саноат корхоналарининг масъулиятини ҳам оширади. Зарбдор туманидаги «Зарбдор» пахта тозалаш заводи бу йил жами 33 минг тонна пахтани ишлашга шай қилинган. Ўз навбатида корхонада меҳнат билан банд бўлганлар учун барча шарт-шароитлар, бепул овқатлар ташкил этилган.**

**СУРАТДА: (чапдан) лаборант Обида Донабаева, 2-иншоот товаршуноси Жумабой Бўронов бу йилги хирмонни кўздан кечираётирлар.**

**Н.АЛМУРОДОВ**
**сурати**

*Пахтазор - жасорат майдони!*

## ШАРОИТ БЎЛСА БАС

***Бугунги кунда республикамизнинг қай бир туманида, хўжалигида бўлманг, пахта йиғим-териминнинг устидан чиқасиз.***

Биз яқинда Қамаши туманидаги Лапас Муҳаммадиев номли жамоа хўжалигида бўлганимизда ана шундай манзаранинг устидан чиқдик. Хўжаликда ишга яроқли барча кишилар йиғим-теримга сафарбар этилган. Хўжалик бошқаруви раиси Дўстёр Умбаровни ҳам Маҳмараҳим Дўстқобилов бошлиқ бригада даласида учратдик. У билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ўзимизни таништирдик.

- Зап келибсизлар, марҳамат. Мен ҳам бежиз бу бригадага ташриф буюрганим йўқ,- дея гап бошлади раис.- Бригада жамоаси хўжалигимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддалади. Бирров уларни бу муваффақият билан табриклагани ўтгандим.

Биз ҳам раиснинг бу гапидан сўнг жамоа аъзоларини қувончли воқеа билан қутладик. Уларнинг бундан кейинги ишларига ривож тиладик. Бригаданинг дала шийпонида раис билан дилдан суҳбатлашдик.

- Хўжалигимиз деҳқонларининг бу йилги ниятлари катта,- дея суҳбатни давом эттирди Д.Умбаров.- Давлатга 2950 тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаганмиз. Шу мақсадда 1070 гектар майдонда ғўза ўстирдик. Ҳозир далаларимизда 1200 киши белига этак боғлаб қўлда пахта тераяпти. Уларнинг кучи билан кунига йиллик режанинг 3-3,5 фоизи миқдорида пахта тайёрланмоқда.

- Дўстёр ака, айтингчи, терим қатнашчиларига иш ҳақи тўлаш қандай ташкил этилган?

- Терим қатнашчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида қўлда терилган 1 килограмм пахта учун 3,5 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Бизда 8 та терим машинаси бор. Ҳозир уларнинг ҳаммаси далага чиқарилди. Юқоридаги қарорга асосан икки қаторли пахта териш машинасида терилган 1 тонна пахта учун механизаторга 90 сўм, тўрт қаторли машинада терилган 1 тонна пахта учун эса 55 сўмдан ҳақ тўлаяпмиз. Бундан ташқари терим илғорларини иш натижасига қараб ҳар беш ёки ўн кунда хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг қарори ва тавсияси билан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бормоқдамиз.

- Хўжаликда йиғим-терим ишлари тўғри ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Энди айтингчи, хўжалик ишлаб чиқаришини янада тўғри йўлга қўйиш учун қанақа муаммолар бор?

- Касални яширсанг иситмаси чиқади, деганларидек, бизда яккаю-ягона битта муаммо мавжуд. У ҳам бўлса сув муаммоси. Асосий майдонларни, яъни фойдаланиладиган еримизнинг 90 фоизини насослар ёрдамида суғорамиз. Бунинг учун эса қанчадан-қанча насос ва дизель ёқилғиси сарф бўлади. Шу боис етиштирган пахтамизнинг таннархи ошиб бораяпти. Кўп маблағимиз техникага ва ёнилғи сарф-харажатига кетаяпти. Моддий манфаатдорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар насосларимиз электр ёрдамида ишлаганида эди, бунчалик ортиқча сарф-харажат бўлмасди. Биз бу ҳақда юқори ташкилотларга, яъни туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қилдик. Бироқ амалий натижа бўлмаяпти. Агар шу муаммомиз ўз ечимини топса, нур устига аъло нур бўлурди.

*Дарҳақиқат, раис дилидагини тилига чиқарди. Бу жамоани кўпдан ўйлантириб келаётган муаммодир. Агар туман ва вилоят раҳбарлари раиснинг фикрини тўғри тушуниб, шу масалага ойдинлик киритиш ҳақида бир тўхтамга келсалар ёмон бўлмасди.*

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**«Ишонч»нинг махсус мухбири**

## Азиз муштарийлар!

### «Ишонч» газетасига обуна бошланди!

Севимли газетамизни 1998 йил мобайнида ҳам узлуксиз олиб ўқишни истасангиз, унга обунани эртароқ расмийлаштиришга шошилинг!

Республикамиз ҳар бир фуқаросининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига хизмат қилувчи «Ишонч» газетаси ижодий жамоаси келгуси йили ҳам Сиз - азиз юртдошларимиз ишончингизни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилади. Газетамизнинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир мақола, хабар, суҳбат, репортажи Сизнинг талаб-истакларингизга мос бўлишига ишонаверинг.

Бир йиллик обуна бўйича каталог баҳоси:
якка обуначилар учун - 864 сўм
ташкилотлар учун - 1176 сўм

ЭСЛАТМА: Ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида каталог баҳосига алоқа хизмати ҳақи ҳам қўшилади.



## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Канаданинг Мексикадаги элчиси Марк Перрон истеъфога чиқишга мажбур бўлди. У Мексика ойномаларидан бирида чоп этилган мулоқотида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчиларга қарши Мексикада етарли тарзда кураш олиб борилмаётганини танқид қилганидан кейин шундай йўл тутишга мажбур бўлган. Канада Ташқи ишлар вазирлиги шу муносабат билан бу икки мамлакат муносабатларига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ишонч билдирди.**

* * *

Эронда тайёра олиб қочилишининг олди олинди. Оқибатда тайёрани олиб қочишга уринган кимса ва Эрон хавфсизлик хизматчиси яраланди. Эрон томонининг маълум қилишича, тайёрани олиб қочишга уринган кимса Исроилнинг «Масад» ташкилоти аъзоси ҳисобланади.

* * *

**Италия парламенти депутатлари бюджет муҳокамасини бошладилар. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, Италия бюджети Европада жорий қилинадиган ягона пул бирлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган.**

* * *

Афғонистонда Ҳайратон шаҳри яна толибларга қарши кучлар ихтиёрига ўтган. Уч ҳафта олдин толиблар бу шаҳарни қўлга киритган эдилар. Уруш бир қанча мураккабликларни келтириб чиқариш билан биргаликда афғон болаларининг руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатаётганини ЮНИСЕФ ташкилоти маълум қилди.

* * *

**Исроил ва Фаластин вакиллари етти ойлик танаффусдан кейин яна ўзаро музокараларни бошладилар. Улар ўзаро муносабатларни яна ҳам ойдинлаштириб олиш мақсадида саккизта комиссия тузишга келишиб олдилар.**

* * *

Жазоир Президенти расмий давлат ташрифи билан Саудия Арабистонига келди. Ташриф чоғида икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари билан бирга Яқин Шарқ муаммосига ҳам алоҳида эътибор берилиши кутилмоқда.

* * *

**Борис Ельциннинг 2000 йилда бўладиган президентлик сайловларида ўз номзодини кўрсатиши эҳтимоли йўқ эмас. Ҳозир амалда бўлган Асосий қонунга биноан Россия Президенти лавозимига бир киши икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Асосий Қонун кучга кирганидан кейин Б. Ельцин бу лавозимга бир марта сайланганини ҳисобга олганда, унинг яна тўрт йилга президентлик мансабига сайланиши эҳтимоли йўқ эмаслиги маълум бўлади.**

* * *

Германияда ишсизларнинг сони камайиши эҳтимолдан йироқ бўлиб турибди. Ҳозир тўрт миллиондан ортиқ меҳнатга лаёқатли аҳоли ишсиз ҳисобланади. Бу Германия аҳолисининг ўн бир фоиздан ортиғи демакдир. Ривожланган давлатлар сирасига кирувчи яна бир давлат — Канадада бу кўрсаткич салкам ўн фоизни ташкил қилмоқда.

* * *

**Италия марказида кейинги икки ҳафта мобайнида тўртинчи марта зилзила рўй берди. Биринчи марта зилзила содир бўлганида ўн бир киши нобуд бўлган ва юз эллик киши жароҳатланганди. Ер силкиниши оқибатида қадимий обидалар ҳам жиддий шикастланди.**

* * *

Украинада йўловчи автобус электр поезд билан тўқнашиб кетди. Оқибатда ўн олти киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Айни пайтда бир неча киши жароҳатланган.

* * *

**Жазоирда ҳукуматга қарши кучлар яна бир хунрезлик содир этдилар. Улар мамлакат қишлоқларидан бирида ўн олти кишининг бегуноҳ қонини тўкканлар.**

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

## Марказий Осиё янгиликлари

Кентовдан йўлга чиққан мингга яқин кишини (уларнинг орасида хотин-халаж, болалар ҳам бор) Алмати бўсағасида милиция наряди тўхтатиб қолди. Улар йил бошидан бери маош олмаганликлари туфайли шахсан президент Н.Назарбоев билан учрашмоқчи бўлганлар.

***

Ўтган куни Туркманистон халқи 1948 йилги Ашгабат зилзиласи натижасида қурбон бўлган кишиларни хотирлаб мотам куни ўтказди. Унда республика президенти С.Ниёзов ҳам иштирок этди.

***

Тожикистонда ҳукумат биносига яқин ерда бомба портлади. Натижада тўрт киши ҳалок бўлди, бир нечта бегуноҳ яраланди.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*

ФАРМОНИ

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

2. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таълим тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъёрий асосини миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 октябрь.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига ИЛОВА**

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, раис

Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, раис ўринбосари

Азизхўжаев А. А. — Бош вазир ўринбосари, раис ўринбосари

Зокиров М. О. — Бош вазир ўринбосари котибиятининг мудири, котиб

### Комиссия аъзолари:

Алимов Т. А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари

Саидова Г. К. — Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

Назаров Й. А. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқа бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари

Иминов Т. К. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти

Маматов А. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Қурбонов Ш. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Жўраев Т. Ж. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

Жўраев Х. Р. — Маданият ишлари вазири

Йўлдошев Ж. Ғ. — Халқ таълими вазири

Салимов О. У. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Сайфиддинов Ж. Б. — Молия вазири

Обидов О. — Меҳнат вазири

Ҳабибуллаев П. Қ. — Фан ва техника давлат қўмитаси раиси

Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси, «Умид» жамғармаси раиси

Беганов В. С. — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Мақсудов А. М. — «Ўздавстандарт» бош директори

Исмоилов У. С. — Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Абдураимов Ҳ. М. — «Камолот» жамғармаси раиси

Аминов Н. — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари

Зиёев М. Қ. — Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари.

*Қорақалпоғистон янгиликлари*

## МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси шоликорлари учун мураккаб ва машаққатли бўлди. Сув танқислиги туфайли катта-катта майдонлардаги шоли плантациялари қуриб қолди. Шундай бўлса ҳам мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган баъзи жамоалар йилни яхши якунламоқдалар. Жумладан, Тахтакўпир туманидаги «Мақпалкўл» қишлоқ хўжалиги ижара уюшмасига қарашли Худойберган Нурабуллаев раҳбарлик қилган бригада аъзолари яхши натижаларга эришди. Мавжуд 140 гектар шоли экилган ердан мўлжалланган ҳосилни тўплаб, давлатга 280 тонна табиат неъмати — «қирмизи дон» сотди.

Илғор жамоа келаси йил мўл ҳосилга тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборди.

## ОРОЛБЎЙИ БАЛИҒИ МЎЛ БЎЛДИ

Оролбўйи минтақаси балиқчилари учун амалдаги йил яхши келди. Ўтган йили ички кўллар, ҳавзалар сувга тўлдириб қўйилганлиги туфайли балиқчилар учун кейинги ўн йил мобайнида биринчи марта тўла иш жабҳаси яратиб берилди. Моддий-техника таъминоти яхшиланиши, айниқса Жаҳон банки томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида 3,5 минг дона ов анжомларининг келтирилиши балиқчилар ютуғини таъминлади. Натижада давлатга бир минг 400 тоннага яқин балиқ топширилиб, ўн ой учун белгиланган режа анча ортиғи билан ўринланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 700 центнерга кўпдир. Эришилган меҳнат зафарига «Амударё» жамоа хўжалиги, «Қозоқдарёбалиқ», «Қўнғиротбалиқ» ҳиссадорлик жамиятлари, Шўманай, Қораўзак туманлари балиқчилик хўжаликлари жамоалари муносиб ҳисса қўшишди.

Қорақалпоғистонлик балиқчилар шу кеча-кундузда кузги ов мавсумини муваффақиятли ўтказишмоқда.

## ҒАМХЎРЛИК

Тахиатош шаҳри ҳокимлигининг ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга 20 та турар-жой бинолари қуриб бериш режаси ишлаб чиқилганди. Шу йил бошидан шаҳардаги «Тахиатошсувэнергоқурилиш» бошқармаси, «Тахиатошдон» ҳиссадорлик жамияти, «Оролсувқурилиш» бирлашмаси бўлинмалари ва бошқа йирик ташкилотлар бу хайрли ишга қўл урдилар. Йил охиригача 10 га яқин турар-жойлар қурилиши битказилиб, ҳовли тўйлари ўтказилади.

Бундай ғамхўрлик келаси йили ҳам изчил давом эттирилади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

# ЖИЗЗАХДА «УМИД» ЛИЦЕЙИ ИШ БОШЛАДИ

**• Жиззах шаҳрида «Умид» лицейи иш бошлади. Унда вилоятнинг 150 нафар иқтидорли ўғил-қизлари таҳсил олмоқда.**
**• Ўқувчилар инглиз, форс, араб, рус тилларини пухта эгаллашади.**
**• Лицейда АҚШдан келган малакали мутахассислар дарс беришади.**
**• «Умид» келажакда академик лицейга айланади.**

Мустақил Ўзбекистоннинг келажак авлодларини тарбиялаш учун Президентимиз И.Каримов шахсан ўзи фаоллик кўрсатмоқда. Республикамиз Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси материалларини ва Президентимизнинг сессияда кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимида бўладиган ислоҳот тўғрисида сўзлаган нутқини ўқиган ҳар бир киши бунга тўлиқ амин бўлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш, ўқитиш жараёнини жаҳон талаблари даражасига етказиш учун мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаракат бошланган эди. Шу сабабдан «Умид» жамғармаси ташкил этилди ва иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориш йўлга қўйилди.

Лицей Жиззах шаҳрининг «Заргарлик» маҳалласидаги «Наргиз» болалар боғчаси ўрнида ташкил топди. Вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг шахсан саъй-ҳаракати туфайли бино тез кунларда таъмирланди ва жиҳозланди. Уни «Жиззахулбиржасавдо» акционерлик кампанияси жамоаси таъмирлади ва бу ерда 10 миллион сўмлик иш бажарилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда иш тутиб, янги турдаги ўқув муассасасида таҳсил кўрадиган ўғил-қизларни тест синовлари ёрдамида танлаб олишни амалга оширишди. Тест синовлари ижтимоий адолат тамойиллари асосида олиб борилишига эътибор кучайтирилди. Ана шу мезон асосида вилоятдаги ҳамма шаҳар ва туманлардан 5 нафардан бола саралаб олинди. Улар яна Ўзбекистон ва Туркия республикалари ҳамкорлигида ташкил этилган вилоят 1-лицейида бир неча кун синовдан ўтишди. Шундан кейингина ёшлар «Умид»да ўқиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Мен лицейга келиб, маълум даражада ички қонун-қоидаларни ифодаловчи ва «Умид» ҳақида тасаввур берувчи қуйидаги ёзувларни ўқидим: «Энг аввало ўқув даргоҳида таълим олиш осон кечмайди, ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам ҳеч қандай енгиллик берилмайди. Ҳар бир нарсага талабчанлик билан ёндошилади. Фарзандларимиз «Умид»да инглиз, форс, араб, ва рус тилларини, ҳуқуқшуносликни, иқтисодиётни ниҳоятда пухта ўрганади. Лицейда океан ортидан келган ҳамкасблар ёшларга дарс беришади. «Умид»нинг вакиллари миллатимизнинг қиёфаси саналади».

Ана шу ёзувлардан сўнг лицейнинг истиқболи ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдим ва шундан сўнг лицей раҳбари Малика Якушина билан суҳбатни давом эттирдим.

— Мен чет тиллар бўйича Москвада 4 йил ўқиганман, кейин Самарқанд Давлат Университетининг инглиз тили факультетини битирдим, — дейди М.Якушина, — шунинг инъикоси деб айтмайман, аммо жамоамизга инглиз тилида гаплашишни ва ёзишни шарт қилиб қўйганман. Унча билмайдиганлари инглиз тилини ўрганиш марказида ишдан кейин таҳсил олмоқда. Болаларимиз ҳам янги йилда — 1998 йил январида инглиз тилида бемалол гапира оладиган бўлишади.

Президентимиз: «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир», — дейди. Ана шу талабдан келиб чиқиб, лицейимизда мустақил фикрлайдиган, эркин гапирадиган, ўз фикрини ва ғоясини ҳимоя қиладиган онгли болаларни тарбиялаймиз. «Бажарувчи» болаларни тарбиялашдан воз кечамиз. Болаларга жаҳон маданиятини, жаҳон адабиётини, жаҳон тарихини сингдирамиз.

Қабул қилинган болаларимиз ақли ўткир, тилни ҳам, дарсни ҳам тез ўзлаштирувчи, қобилиятли болалар. Уларга хорижий бозор иқтисодиётини, банк муносабатларини, макроиқтисодиётни, компьютерлаштиришни, электрлаштиришни, шофёрликни, мусиқани, гўзалликни, ҳатто хореографияни ҳам ўргатамиз. Табиатни сақлаш ҳиссини ўстирамиз.

АҚШдаги «ЖД-А» уюшмасидан 8 та компьютер олиб келдик. Океан ортидан келган мутахассислар иқтисод ва ҳуқуқдан дарс беради. Кутубхона ташкил қилдик. Унга чет элдан китоблар олиб келинмоқда.

Умид Раҳмонбердиев — математика ва информатика фани ўқитувчиси:

— Синфлардаги болаларимизнинг 98 фоизи дарсларни тез ўзлаштираяптилар. Фан хоналари, компьютерлар ўқувчилар хизматида. «Умид»дан умид қилса бўлади.

Дилшод Бўронов — лицей ўқувчиси:

— Мен Ғаллаорол туманидан келдим. Бизга ҳамма шароит яратилган. Ўқишга, ўрганишга, спорт ишларига эътиқод бўлса бас. Мен муаллимлар бераётган сабоқни тўлиқ ўзлаштириб бораяпман. Келажакда ватанга, халқимизга хизмат қиладиган кадр бўлиб етишиш учун тиришаман, ўқийман.

Юртбошимиз «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак» деган эди. «Умид»да ҳамма ишлар ёшларга таълим-тарбия беришга қаратилган. Яъни бу ерда ўқувчиларни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни чет элларда ўқитиб жаҳон андозалари талаби даражасидаги кадр қилиб етказиш асосий мақсад ҳисобланади.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Спорт*

## ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ўзбекистонлик авиаходимларнинг спорт делегацияси Украинада бир ҳафта бўлиб, ҳамкасблари билан мусобақалашганлари ҳақида «Ишонч» муштарийларига хабар бергандик. Яқинда Киевнинг «Борисполь» аэропорти вакиллари серқуёш диёримизда бўлишди ва жавоб учрашувларида иштирок этишди. Ёнингизда бўлса, юртдошларимиз сафардаги беллашувлар мобайнида зафар қучишганди.

Тошкентда киевлик авиаходимлар футбол майдонида мағлубият «ўч»ини олишга муваффақ бўлишди. Ягона тўп уларга тошкентлик ҳамкасблари устидан ғалаба қозониш имконини берди. Шахматчилар баҳсида яна украинлар устун чиқишди. Катта ва стол тенниси бўйича баҳсларда эса яна бир бор ўзбекистонликлар ўз маҳоратларини намойиш қилишга эришишди. Меҳмонлар шунингдек, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда ҳам спорт майдонларида куч синашишди. Бу ерда футболчиларимиз 0:3 ҳисобида имкониятни бой беришган бўлса, шахматчиларнинг кучлари тенг келди. Мерганлар баҳсида якка ҳисобда киевлик Валерий Рудзей, командалар ўртасида ўзбекистонликлар ғолиб чиқишди.

Украиналик меҳмонлар ташрифи ниҳоясига етиб, ҳамкасблар келгуси йили учрашгунча хайрлашишди. Бу орада ўтказиладиган ички мусобақаларда спорт билан фаол шуғулланувчилар ўз имкониятларини намойиш этиб, халқаро мусобақаларга йўлланма олишга ҳаракат қилишади. Спорт майдонларидаги натижалардан қатъи назар, дўстлик ғалаба қозонди. Бундай учрашувлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу десак, тўғри бўлар. Бу мусобақалар, шунингдек, авиаходимлар орасида спортга алоҳида эътибор берилаётганини яна бир бор намойиш этди.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

*Донолар дейдиларки*

## ИЧКИЛИК — ОҒУ

Маст бўлиш жуда ёмон иллатдирки, у аввало жигар ва миянинг мижозини бузади, кишининг асабини кучсизлантиради, сакта (мияга қон қуйилиши) касаллигини пайдо қилади. Баъзан тўсатдан ўлим юз беришига сабаб бўлади.

**Абу Али ибн Сино.**

Май ўз ичувчиларининг яширин сирларини ошкора қилиб беради.

**Абу Ало ал Маарий.**

Ичмаслик — ўчоққа ўт, қозонга гўшт солади, дастурхонга нон. Давлатга даромад, хонадонга — бойлик, ҳамжиҳатлик, баданга куч-қувват, устга кийим-бош, мияга ақл, оилага фаровонлик келтиради.

**Б. Франклин.**

Маст бўлиш ўз ихтиёри билан ақлдан озишдир.

**Арасту.**

Олижаноб одамга мастлик сифати ярашмас.

**Камол Хўжандий.**

Муваффақиятсизликка учраганимизда, заифлашганимизда, чарчаганимизда ичкилик доимо бизга ўз қўлини чўзади ва бу аҳволдан қутулишнинг ғоят осон йўлини кўрсатади. Бироқ унинг ваъдалари ёлғон: у ваъда қиладиган жисмоний куч соядан иборат. Ичкилик таъсиридан биз нарсаларнинг қийматига оид соф тушунчани йўқотамиз.

**Ж. Лондон.**

**Соат ХАҚБЕРДИЕВ тайёрлади.**

# XIX аср ўзбек адраси ва шойиси Лондонда

XIX асрнинг ўрталарида тўқилган жозибадор ўзбек адрасию шойиси, шунингдек, пахта матоларидан тайёрланган эркак ва аёлларнинг юзга яқин чопонлари ҳамда афсонавий сўзаналар ўрин олган мазкур кўргазма англияликларда чексиз ҳайрат уйғотмоқда. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Шарқнинг қадим санъати ҳатто ҳозирги мураккаб компьютерлар даврида ҳам ғарбликлар учун тарихий сирлилигини йўқотмаган.

Кўргазмадаги шоҳона либослар, табиий матолардан ишланган саноқсиз тарихий кийим-кечаклар ва ранг-баранг тақинчоқлар асли ҳолини шу қадар сақлаганки, уларни томоша қилган ҳар қандай инсон, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, қойил қолиши аниқ.

— Биз буларнинг барчасини ўн йилдан ортиқ давр мобайнида Шарқ бозорларини айланиб йиққанмиз, уларнинг ҳар бирини ўз уйимизда кўз қорачиғидек асраймиз, — деди кўргазма раҳбари жаноб Умар Масъум бизга ўз коллекциясини намойиш қила туриб. — Либос ва матоларимиз ўзбекларнинг асрлар оша ривожланган матога безак бериш санъатининг нақадар олий даражада тараққий этганлигидан далолат беради.

Ўзбек тилида эркин сўзлашувчи Умар Масъум ўзини афғонистонлик туркманлардан деб таништириб, ўша жойлардаги ўзбеклар билан бирга улғайганман, қолаверса, рафиқамнинг оналари ўзбек, дея илова қилди. Аслида Умар оға бу сўзлари орқали ўзининг ўзбек миллати ва маданиятига бўлган эътиборини ифодалаш эмас, балки ўзбеклар ва туркманларнинг ва барча қадим Туркистон халқларининг ўзаги бир, деган ғояни таъкидлаш эди, холос.

Ўтган асрда тўқилган шоҳи сўзаналарнинг ҳар бири ранг-баранг жило ва сирли табиатга эга. Улардаги тилсим, яширин гўзаллик ҳамда юксак санъат кишини ларзага солади. Сўзаналарнинг ҳар бири инсон тафаккурини чексиз уйга солади. Агор гуллари, алвон лолалар ёки турли тоғ чечакларининг тасвири туширилган сўзаналар худди эртакнамо бир ажиб ҳикоя сўзлаётгандек.

Қўлда тикилган турли кўринишдаги эркак ва аёллар чопонлари ва либосларига қараб киши беихтиёр тўлқинланади. Уларнинг матоларидан тортиб тикилиши тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин.

— Мана бу чопоннинг нархи — 5 минг фунт-стерлинг. Буни нега бунчалик қиммат дерсиз... Асл ниятим буларни сотиш эмас, балки буларнинг қадрини оширишдир. Ахир момоларимиз бу либосларнинг ҳар бирини тикишга камида 5—6 ой ва қолаверса, йиллаб кўзларининг нурини тўкишган-ку. Энг ҳайрон қоларли томони — уларнинг шу қадар табиий сақланганлигини айтмайсизми, — деди Умар оға суҳбатимиз давомида.

Дарвоқе, эшитишимча, Ипак йўлидан келтирилган ўзбек адраси ва шойиларининг тарихи ва қиммати тўғрисида Ғарбда кўплаб асарлар ёзилган. Бу мавзуда ҳозир ҳам илмий изланишлар олиб борилаётган экан.

Айтишларича, лондонлик Клауд Делмас коллекцияси, адрас ва шойиларга бойлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллар экан. Делмас хоним Умар Масъум билан бирга қадимий ўзбек шойилари кўргазмаси иши жараёнида ипак матоларнинг тўқилиши сирларини қизиқувчиларга сўзлаб берадилар. Хоним ўз билимларини Ўзбекистонга бир неча бор саёҳат қилган чоғида орттирган.

Хуллас, Буюк Британия пойтахтида Умар Масъумнинг XIX аср ўзбек адраслари ва шойилари кўргазмаси муваффақиятли давом этмоқда. — Шу йил октябрь ойининг охирида дастлабки кўргазмамизни якунлаймиз. Мақсадим тез орада Ўзбекистонга бориш. У ердан келажакдаги кўргазмалар учун янги анъанавий матолар ва миллий кийим-кечаклар келтириш ниятидаман, — деди У. Маъсум суҳбатимиз якунида.

Беруний ОЛИМОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги, Лондон



Бугунги Тошкент

*Ҳар тўғрида*

## ОИЛАНИНГ ҚАДРДОНИГА АЙЛАНДИ

Мана 35 йилдирки, Жанка исмли тошбақа шу хонадонда яшайди. У ушбу хонадоннинг ҳақиқий аъзосига айланиб қолди. Экзотик жониворга меҳр қўйган уфалик Лариса Л. бу давр ичида қизларини узатиб, келин кўрди, ўзи эса нафақага чиқди. Жанка эса ҳамон ўша-ўша. Унинг ёши нечадалигини ҳеч ким билмайди. Ёзда, кун иссиқ кунлари жонивор балконда яшайди. Ҳавонинг айнишини сезган ҳамоноқ уйнинг ичига кириб кетади, бу билан у гўё бошқаларни огоҳлантирган бўлади. Жонивор иссиқни ёқтиради. Уй бекаси пирог пиширишини сезса, дарров печка ёнида ҳозир бўлади ва ўз улушини олмагунча қимирламайди. Кунлар совуй бошлаши билан Жанка қишлиги ғамланган инига кириб кетганича ёзда ўзини кўрсатади.

*Шунақаси ҳам бўлади*

## ОЧКЎЗ ЧУМОЛИЛАРНИНГ ИШИ

Жанубий Америка мамлакатларида термит деган тропик ҳашарот яшайди. Уни баъзилар «оқ чумоли» деб ҳам аташади. Бу очкўз жониворларнинг дастидан қурувчилар дод дейишади. Чунки бу чумолиларнинг яхши кўрган нарсаси — тахта, ёғоч, тўсин, шпал ва ҳоказолар. Улар ёғоч буюмларни ич-ичидан еб битиришади, фақат юпқагина парда қолдиришади.

Очкўз чумолилар қоғоз, ип-газламадан тўқилган матоларга ҳам ўч. Бир вақтлар машҳур немис сайёҳи Александр Гумбльт Жанубий Америкада ярим асргина яхши, бут-бутун сақланган китобни топиш амримаҳол деб ёзган эди. У ўз хотираларининг бирида термитлар уяси яқинида тунаб қолган бир киши ҳақида тўхталади. Ўша одам эрталаб уйғониб, кўзини очиб устида ҳеч қандай кийим қолмаганлигини кўриб лол қолади.

"ҚУРИЛИШСЕРВИС"
ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ГЕРМАНИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН БЕЗАШ УЧУН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТАДИ
СТРОЙСЕРВИС
JOBI
ДИСПЕРСИОН БЎЁҚЛАР:
Рангли лок 10 хил
Оқ тусдаги лок 2 хил
Лок-аэрозоль 15 хил
Ҳар қандай гулқоғозлар учун елим 3 хил
Турли ранг ва тусдаги 20 хил бўёқлар
480 номдаги олий сифатли қурилиш асбоб-ускуналари
Чакана ва кўтарасига 500000 сўмлик материаллар харид қилинса, улар Тошкент ҳудудида бепул элтиб берилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 3-квартал, 18-уй.
Материалларни намойиш этиш зали эрталаб соат 9 дан кеч соат 18 гача ишлайди.
Тел. 77-13-51, 77-14-64
Бизнинг дилеримиз: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси 91, "Парвина" савдо уйи Тел. 24-96-11, факс 31-24-31 ТТм-Лтд, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси 2, 5-секция, Тел. 42-95-05, 42-81-32.

ФУҚАРОЛАР, ФИРМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси қошидаги "МАРКАЗ" ҳиссадорлик жамияти Аргентинадан олинган ускуналарда ўша мамлакатдан келтирилган ХУШБЎЙ ҚОРА ЧОЙнинг қадоқланганини сотиб олишингизни таклиф этади.



Ҳар қутидаги чойнинг вазни 50 грамм бўлиб, 25 қоғоз қопчада жойлашган. Ажойиб таъмли бу чойни ичган киши ўзини тетик ва бардам ҳис этади.

"Марказ" жойлашган манзил:
Тошкент-700015, Нукус кўчаси 73—уй.
Телефон: /3712/ 55-66-03

ИШОНЧ — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ